

## Саҳиҳул Бухорийнинг муҳтасари / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 225-ҳадис

5627-225 - عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ تَعَالَى عَنْهُ [قَالَ]: (نَهَى النَّبِيُّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنِ الْشَّرْبِ مِنْ فِيمَا السِّقَاءِ وَالْقَرْبَةِ، وَأَنْ يَمْنَعَ حَارُّ أَنْ يَعْرِزَ حَشَبَةً فِي جَدَارِهِ).

225- 5627. Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам мешнинг (ёки сувдоннинг) оғзидан ичишдан ҳамда қўшнининг ҳовлига ёғочни суқишини ман қилишдан қайтардилар».

**Изоҳ:** Сувдоннинг оғзидан ичишдан қайтаришнинг маъноси шуки, ичига бирор заарли жонивор кириб қолган булиши мумкин. Шунингдек, баъзилар бирор ичган идишдан сув ичишни ёқтираслиги мумкин. Қолаверса, ичаётганда оғиздан туфук ёхуд нафас қайтиши ҳам мумкин, бу эса макруҳдир.

Қўшнининг уйига томнинг тиргагини қўйиш зарур бўлиб қолса, бунга тўсқинлик қилишдан ҳам қайтарилган, чунки бунда қўшнига машаққат туғдириш бор. Таъкидлаш лозимки, бу ҳукм ўша давр шароитидан келиб чиқиб айтилган. Бу ерда асосий қайтарилган иш қўшнига озор бериш, қулайлик ва енгилликка тўсқинлик қилишdir.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)



